

ФРАНЦУЗ АДАБИЁТИ НАМУНАСИ ROMAN DE RENARTНИНГ ЖАНР ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қўчқорова С.Т.

PhD, Самарқанд давлат

чет тиллар институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7161316>

“Roman de Renart” ўрта асрларда қадимги француз тилида назмий шаклда ёзилган ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоялар тўплами ҳисобланади. Турли муаллифлар томонидан ёзилган бу хилма-хил ҳикоялар ўрта асрлардан бошлаб “branche”лар (бранш – эпик жанр тури) деб аталади. Улар саккиз бўғинли, текис қофияли шеър шаклида тузилган. Энг қадимги намуналар тахминан 1174 йилга бориб тақалади. XIII асрдан бошлаб браншлар маълум мавзуй гуруҳларга бирлаштирилган.

Ушбу матнлар турли функцияларга эга:

оддий халқни боқишга қодир бўлмаган ҳукмрон синфларнинг ижтимоий танқидга учраган;

антиклерикализм билан аралашган ҳатти-ҳаракатли кўшиқлар ва сарой романларига пародиялар қилинган;

диний табуларнинг бузилиши яъни асарда Худо мавжуд эмас ва диннинг ижтимоий шакллари сифатида зиёрат, салиб юришлари, руҳонийлар масхара қилинган;

Тулки бош қаҳрамон бўлган эртакларни ўрганиб чиқиш жараёнида, уларнинг сюжети структурал жиҳатдан тўрт этапга бўлиб таснифлашга ҳаракат қилдик.

1. Тулки ва оиласи оч қолади ва қорин ғами уни турли замонда турли маконларга етаклайди (On était à la saison où les prés reverdissent, où les bois s'enfeuillent, où, du matin au soir, les oiseaux disent des chansons nouvelles; C'était un peu avant Noël; Dans une plaine fleurie, que baignait un ruisseau clair; par un sentier étroit qui bordait la forêt; on était en automne)(йилнинг турли фаслларида, Рождество ва бошқа байрамлар арафасида, тепаликлар, далалар, йўллар ва ҳ...));

2. У ўзи ва оиласи учун егулик бўладиган ўлжа, ёки ҳийла-найрангининг қурбони бўлмиш объектни кўз остига олади (les trois jambons chez le loup Ysengrin, le coq nommé Chanteclair d'un hobereau, les poissons des marchands, le fromage du corbeau, l'andouille du chat, la mésange, la poule Copette; son oncle le loup Ysengrin, le chat Tibert, l'ours Brun, le lièvre Lampe, le brebis Belin, etc);

3. Қорин ғамидаги ўлжасини қўлга киритиш, кўзлаган персонажнинг устидан кулиш ёки учини олиш мақсадида турли найрангларни ишга солади (1) чумчуқнинг болаларини даволайман деб ўзини табиб қилиб кўрсатади, 2) бўрининг уйидаги гўштни ўғирлаб кетмасликлари учун уни ўғирлаб кетдилар деб эълон қилишни маслаҳат беради, 3) бўрига балиқ овлаш учун думини музлаган қўлга солдиради, 4) бўрини, айиқни мушукни қоринлари тўйдириш учун маслаҳат беради, 5) хўроз ва қарғани чиройли овозларини мақтайди, 6) мушукни қонли колбасани қандай кўтариб кетишини кўрмоқчи бўлади ва ҳ.); 4. Унинг айёрлиги баъзан иш беради ва баъзан унинг ўзи тузоққа тушиб қолади, натижада у егуликка эга бўлади ёки қуруқ қолади (1) чумчуқнинг ҳамма боласини паққос туширади, 2) бўрининг уйидаги гўштни ўзи ўғирлаб кетади, 3) музлаган қўлда балиқ тутиш учун бўри думсиз қолади, 4) унинг маслаҳати билан иш тутган бўри ва мушук думсиз қолади, айиқнинг бош териси шилиниб тушади, 5) чиройли овозини кўрсатмоқчи бўлган қарға пишлоғидан айрилади, хўроз эса тулкининг чангалидан қутулиб кетади, 6) қонли колбасадан қуруқ қолади ва ҳ.).

Юқорида келитирилган бирон бир аниқ ҳатти-ҳаракатни кўзда тутган тўртта босқич асосида матннинг интра ва экстратекстуал прагматикасини таҳлил қилиб кўрамиз.

Биринчи этапда тулки ўзи ва оч қолмаслиги учун инидан егулик излаб чиқади. Унга замоннинг ёки маконнинг фарқи йўқ. Уни уйдан чиқарган нарсаси бу – очлик, уни ҳаракатга ундаган асосий сабаб – бу моддий эҳтиёж. Яна бир сабаб - оила бошлиғи сифатида у хотини ва болаларининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилиши кераклиги унга масъулият ва мажбурият юклайди. Ўз нафсини қондириш ва мажбурият ва масъулиятини бажариш йўлида у ўзига тегишли бўлмаган нарсаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади ва буни нотўғри деб ўйламайди.

Лекин тулкининг муғамбирлиги унча узоққа чўзилмайди. Алдоқчилиги учун, жамиятга зарар келтиргани учун у ҳар доим таъқибга учрайди, калтак ейди, ўзи суйган оиласига зарар келишига сабабчи бўлади, тақдири аянчли яқун топади. Қиссадан ҳисса шуки, жамиятда ёлғончилик, фирибгарлик, порахўрлик каби иллатлар жамиятнинг таназзулга юз тутишига, оддий халқ орасида жамият бошқарувчиларига нисбатан ишонч ва фидойиликнинг йўқолишига олиб келади,

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Jodogne Omer. Le roman de Renart : un fait socio-littéraire. In: Bulletin de la Classe des lettres et des sciences morales et politiques, tome 58, 1972. pp. 178-188;
2. Roman de Renart. Anonyme.
<https://www.vousnousils.fr/casden/pdf/id00101.pdf>
3. https://fr.wikipedia.org/wiki/Roman_de_Renart
4. Gase-Poulin, E. (1982). La pragmatique anthropobiologique du conte oral et la question de l'écriture. Études françaises, 18(1), 93-108.
5. Адоньева С.Б. Прагматика фольклора. – Санкт-Петербург: Амфора, 2004. – 312 с.